*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

сони 24 кишидан иборат бўлган бошқарув аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ Бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланиши белгилаб қўйилсин.

"Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖга ҳудудларда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиш, қабул қилиш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналар, юк кўтариш ва транспорт воситалари билан жиҳозланган филиалларини юридик шахс тузмасдан ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

4. "Ўзиккиламчирангли-металл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 4-иловага мувофиқ таркибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия:

икки ҳафта муддатда "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда "Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи" ОАЖ Устав жамғармасини шакллантиришга, акциялар пакетининг 51 фоиз миқдорини давлатда сақлаб қолган ҳолда улушларни қатнашчилар ўртасида тақсимлашга, шунингдек Уставни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказишга кўмаклашсин;

бир ой муддатда "Ўзиккиламчиранглиметалл" ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари балансида бўлган мол-мулкни хатловдан ўтказсин ва ундан янада самарали фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари айланиши борасида ўрнатилган тартибга риоя этилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда таркибида рангли металлар бўлган ускуналар, парча ва чиқиндиларни яширинча қабул қилиш пунктлари фаолиятига ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатларига чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда рангли металлар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидалари бузилишининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар телевидение орқали мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда темир-терсак топширувчилар билан рангли металл парчалари ва чиқиндилари топширишни рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилишини назарда тутган ҳолда, топшириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларига нарх белгилаш Тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда рангли металл парчалари ва чиқиндилари ҳосил бўлиши ва улардан фойдаланиш бўйича статистик ҳисоботларнинг ҳар чорак шаклини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда уни 2006 йилнинг 1 октябридан жорий этсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчиранглиметалл» ишлаб чиқариш бирлашмасини очиқ турдаги «Ўзиккиламчиранглиметалл» акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1994 йил 24 мартдаги 160-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 июль.




***Словениянинг Любляна шаҳрида математика бўйича ўтган 47-жаҳон олимпиадасидан Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчилари – Жавлонбек Бозоров, Ўткир Болтаев бронза медали, Жасур Қўчқоров ҳамда Умид Азимов махсус диплом билан қайтдилар.***

## ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Унда юзга яқин давлатдан олти юзга яқин ўқувчи иштирок этди. Олимпиадада муваффақият қозонган ўзбекистонлик болаларнинг барчаси Қоракўлдаги 1-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси эканлиги бежиз эмас.

Истиқлол йилларида ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари математика бўйича халқаро олимпиадаларда ўн бешта медални қўлга киритган бўлса, уларнинг ўн учтаси қоракўллик мактаб-интернат ўқувчилари эришган муваффақиятлар маҳсули. Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бераётган самаралардандир.

— Ўғлим Ўткиржон шу йил январь ойида Қозоғистонда бўлиб ўтган математика бўйича халқаро олимпиадада ҳам кумуш медални қўлга киритган эди, — деди Мавлуда Азизова. — Унинг барча ютуқлари юртимизда ёш авлоднинг баркамол шахс, мукаммал билим соҳиби бўлиб етишиши учун кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг натижасидир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАДАНИЯТ янгиликлари

*Бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг "Диёр оҳанглари" фестивали юртимизда фаолият юритаётган ўнлаб истеъдодларни кашф этмоқда.*

## «Диёр оҳанглари»

Яқинда Навоий ва Бухорода танловнинг вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Мақом йўналиши бўйича ғиждувонликлар, оммавий рақс йўналиши бўйича Бухоро туманидаги "Лола" дастаси, сўз санъатида когонликлар ғолиб деб топилган бўлсалар, Навоийда ўтган тадбир зарафшонликларнинг "Афсона", навбаҳорлик ва нуроталик мақомчилар, раққосу раққосаларнинг ўз санъатларини намойиш этишларига имконият яратди.

Ушбу танловнинг аҳамиятли томони шундаки, мазкур тадбирлар ёш истеъдод соҳибларини кашф этибгина қолмай, улар эришган ютуқларни оммавийлаштириш, ёшларимиз орасида маданиятимиз ва санъатимизни кенг тарғиб қилиш билан ҳам шуғулланадилар.

## Индонезия киноси кунлари

*Яқин-яқинларгача хориж киноси кунлари асосан пойтахтимизда ўтказиларди. Эндиликда бундай тадбирлар вилоятларда ҳам бўлиб ўтмоқда. Яқинда Фарғонада "Индонезия киноси кунлари" ўтказилди.*

"Ўзбеккино" миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамда Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган кино байрамида ороллар мамлакатининг бир неча картиналари намойиш этилди. Айниқса, "Эйфел минораси", "Севиб қолдим", "Уч кун севги излаб", "Севги ва келишув" сингари асарлар томошабинларда катта таассурот қолдирди. Эътироф этиш керакки, ушбу асарларнинг барчаси ёшлар тарбияси, ватанпарварлик мавзуларига бағишланган. Шу боис ҳам томошабинларнинг аксарияти ёшларни ташкил этди.

## Нукусда экофестиваль

*"Экосан" халқаро хайрия жамғармаси "Экология ва саломатлик" кунлари доирасида Оролбўйи минтақасига "Саломатлик" поездини юборди.*

"Экосан" саломатлик поездининг малакали шифокорлари 24 июлга қадар Қорақалпоғистоннинг барча туманларида бўлишиб, экологик вазиятни ўрганадилар, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказадилар ва инсонпарварлик ёрдамларини топширадилар.

Куни кеча Нукусда Мустақиллик байрами олдидан "Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида" шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди. "Экосан" халқаро хайрия ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир доирасида кўргазма ва Қорақалпоғистон санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт дастури ҳам намойиш этилди. Ана шундай анжуманларни республиканинг бошқа минтақаларида ҳам ташкиллаштириш режалаштирилган.

## Воҳа манзаралари

*Ўзбекистон Бадиий академиясининг Фотолар уйида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан расмлар кўргазмаси ташкил этилди.*

Ундан таниқли фотосуратчилар Турсун Али, Виктор Ан, Виктор Вяткин, Шаҳноза Усмоннинг энг сара асарлари ўрин олган. Қашқадарё воҳасининг тоғли ҳудудлари, табиати, одамлари ва урф-одатлари акс этган асарларни томоша қилар экансиз, осмон билан сирлашувчи Боботоғ, сўлим Шаҳрисабзу Китобнинг бетакрор гўзаллигидан баҳраманд бўласиз. Суратлар сизга Қашқадарёнинг бир неча асрлик тарихидан тортиб, то бугунги фараҳбахш кунларигача сўзлаб беради.

**Хабарларни Мавжуда ХОЛМАТОВА тайёрлади.**

# Ҳам ота, ҳам устоз

*Чортоқ машинасозлик масъулияти чекланган жамияти Наманган вилоят пахтасаноат бошқармасига қарашли 11 та заводга турли техник хизматлар кўрсатади. Хусусан, жамият ишчилари электр двигателларни сифатли таъмирлаб, тармоқдаги корхоналарнинг иш узлуксизлигини таъминлайди.*

*Ушбу жамоада кўп йиллардан буён меҳнат қилаётган Мирзаакбар Абдураҳмоновни ҳамкасблари "қўли гул уста" дея эътироф этишади. Зеро, бу инсон бундай шарафга ҳалол меҳнати, билим ва тажрибаси орқали эришган десак, хато қилмаган бўламиз.*

*Яқинда Мирзаакбар аканинг ўғли Сайдулла касб-ҳунар коллежини тамомлаб, отасига шогирд тушди. У келажакда отасидай меҳнат қилиб, эл-улус орасида обрў топиш мақсадида касб сирларини кунт билан ўрганмоқда.*



**СУРАТДА: Мирзаакбар ака ўғли Сайдуллага иш ўргатмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ҳуқуқий жамият сари

*«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида қарздорлардан пулни ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш (қайтариш ёки бериш)ни фақат судлар эмас, балки нотариуслар ҳам амалга ошириши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Ушбу юмуш нотариусларнинг қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзиши орқали бажарилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат ва ФҲДЁ бўлими бош маслаҳатчиси Ёқуб БОЗОРБОЕВ билан суҳбатимиз ана шу мавзуда бўлди.*

# ҚАРЗНИ УНДИРИШ

**бунинг учун судлашиш шарт эмас**

— Нотариусларнинг ижро хатларини ёзиши шартномавий, хўжалик ва молиявий интизомни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, — деди Ё. Бозорбоев. — Ушбу ҳужжат қарзни ундиришни соддалаштиради ва тезлаштиради. Бундан ташқари кредиторлар томонидан қарздорларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига ундайди.

Айтиш лозимки, фуқаролар ва юридик шахслар ижро хатларини олиш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур нотариал ҳаракатни давлат нотариал идора нотариуслари ҳам, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам амалга оширади. Улар манфаатдор шахсларнинг ёзма аризасига мувофиқ қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатларга ижро хатларини ёзади.

Ижро хатини амалга оширишда ундирувчи нотариусга қарздорликни ва қарздордан белгиланган вақтда ўзининг мажбуриятларини бажармаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак.

**— Ижро хатларига асосан қарзни ундиришни назарда тутадиган ҳужжатлар рўйхати ҳамда қарздорлик турлари қандай белгиланган?**

— Улар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги «Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу рўйхат қатъий чекланган. Чунончи, рўйхатга нотариал тасдиқланган битимлар бўйича қарзни ундириш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ битимлар киритилган. Яна ҳисоб-китоб ва кредит муносабатларидан келиб чиқадиган асослар бўйича, яъни кредит муассасалари берган кредитлар юзасидан қарздорлар ва уларнинг кафиллари тўлов муддатини ўтказиб юборганлиги ҳамда корхона ва ташкилотларнинг ўз ходимларига якка тартибда уй-жой қуриш, турар жойни мукаммал таъмирлаш билан боғлиқ қарзларни ундириш белгиланган.

Шу билан бирга, рўйхатда кредитга сотиб олинган товарлар, электр энергияси етказиб берувчиларнинг талабномалари, турар-жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгалари (ижарачилар, арендага олувчилар)дан аренда, ижара шартномалари ҳамда таъмирлаш-фойдаланиш харажатлари, коммунал хизматлар учун тўловлар, шунингдек, телекоммуникация тармоқлари (телефон, телевидение ва компьютер тармоқлари, радио эшиттириш шохобчалари ва бошқалар)дан фойдаланганлик учун абонент тўлови бўйича қарзларни қайтариш ҳам кўзда тутилган.

Бундан ташқари, болаларнинг мактабгача таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган мактабларда бўлганликлари учун ота-оналардан ёки кутубхоналарнинг талабномалари бўйича қайтарилмаган китоблар, бошқа босма асарлар ва кутубхоналар захирасидан олинган ўзга материаллар, прокат шартномасига биноан фуқароларга берилган мулкдан фойдаланиб, уларни ишдан чиқарганлик ёки қайтармаганлик учун тўловлар бўйича қарзлар ҳам рўйхатда қайд этилган.

Ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш муассасалари талабномалари бўйича ҳамда лизингга олувчилар қарзни ундириш ва лизинг объектини талаб қилиб олиш юзасидан қарзни ундириш ҳам ушбу рўйхатдан жой олган.

**— Ижро хатлари қандай ҳолатларда ёзилади ва ижро ёзувини амалга ошириш учун нотариусга нечта ҳужжат тақдим этилиши керак?**

— Айтайлик, ундириб олувчи кимдир ундан қарздор ёки бошқа мажбурияти борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши, шу билан бирга ушбу ҳолат рўйхатда кўрсатилган қарздорлик турига кириши лозим. Бунда талаб қилинадиган ҳужжатлар тартибли расмийлаштирилган ва даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб уч йилдан зиёд вақт ўтмаган бўлиши ҳам кўзда тутилган. Ана шу шартлар бўлмаса, нотариус ижро ёзуви ёзишни рад этади.

Ижро ёзувининг амалга оширилиши учун томонлар нотариусга тақдим қиладиган ҳужжатларнинг сони кўп эмас. Жумладан, корхона ва ташкилотларнинг фуқароларга берилган маданий-маиший, уй-рўзғор буюмлари, мусиқа асбоблари, спорт анжомлари ва шахсий фойдаланишга мўлжалланган бошқа мулкдан фойдаланганлик (прокат) учун тўловлар бўйича қарзни ундиришга фақат иккита ҳужжат — ижарага бериш шартномасининг нусхаси, ижарага берилган буюм баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам бўлса, ундириладиган сумма кўрсатилган квитанциянинг нусхаси, қарздорнинг огоҳлантириш олинганлиги ҳақидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорни ёзма огоҳлантириш нусхаси тақдим этилади.

Дейлик, пул олиш, мулкни қайтариш ёки бериш билан боғлиқ нотариал тасдиқланган битимлар бўйича ижро хати олиш зарурати туғилди. Бундай вазиятда ҳам иккита ҳужжат — нотариал тасдиқланган битимнинг асл нусхаси ва кредитор томонидан қарздорга нотариус орқали тўлов муддати ўтказиб юборилганлиги (мулкни қайтариш ёки бериш) тўғрисида юборилган ёзма билдиришнома тақдим қилинади.

Агар фуқароларнинг электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзни ундириш лозим бўлса, нотариусга ҳисобварақнинг ундирувчи томонидан тасдиқланган нусхаси, қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисидаги тилхати бор қарзни тўлаш тўғрисида қарздорга берилган ёзма огоҳлантириш нусхаси ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг нусхаси берилади.

Кредитга сотиб олинган товарлар учун қарзни ва бадалларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеняни ундириш бўйича ижро хатини олишда эса ундирувчи томонидан қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари қайд этилган қарздор кафиллик-мажбуриятномасининг асл нусхаси ҳамда ундириб олувчи томонидан тасдиқланган қарздорнинг шахсий ҳисобварағидан муддати ўтказиб юборилган қарз миқдори ва уни қоплаш муддатлари кўрсатилган кўчирма тақдим этилса, кифоя.

**— Турар-жой, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ва квартиралар эгаларидан аренда, ижара шартномалари ҳамда бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар бўйича қарзни ундириш учун ижро ёзувлари-чи?**

— Турар-жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгалари (ижарачилар, арендага олувчилар)дан аренда, ижара шартномалари бўйича, таъмирлаш-фойдаланиш харажатлари, коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича қарзни ундиришда қарзнинг ҳосил бўлишини тасдиқловчи шартноманинг ундирувчи томонидан имзоланган нусхаси, ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномасининг шартнома қатнашчилари томонидан имзоланган нусхаси ва ундириб олувчи томонидан қарз қопланмаганлиги тўғрисида белги қўйилган ижарачига йўлланган ҳисобварақ нусхаси ҳамда қарздорнинг ёзма огоҳлантиришни олганлиги тўғрисида тилхати бор қарзни тўлаш ҳақида қарздорга берилган ёзма огоҳлантиришнинг нусхаси тақдим қилинади.

***«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.***

## ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА
# ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

**«Туркистон» 19 июль.**
**Шаҳло Шукрулло қизи «Ўзбекистон»:**

*«Осмоним мусаффо, замон тинч-омон,*
*Танти бободеҳқон ҳосили хирмон,*
*Дунёга мезбон яшар фаровон,*
*Меҳрнинг муқаддас манзили, — Ватан!»*

**«Маърифат» 19 июль.**
**Нуриддин Досанов, Турсунбой Султонов**
**«Фарзандга мерос қил ғурурни»:**

«Ўтмиш бизлар учун ҳам, бошқа халқлар учун ҳам аллақачон қайтмас бўлиб кетган, кўз ўнгимиздан олислашган, тарих мулкига айланган даврдангина иборат эмас, балки аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайдиган таг-замин, ўқ илдизимиздир. Ўтмиш бизнинг таянч нуқтамиз эканига шубҳа йўқ. Агар ана шу таянч нуқтага, маънавий пойдеворга суянмасак, ўтмишимиздан куч-қувват, руҳий-маънавий озуқа олмасак, олға томон ривожлана олмаймиз.»

**«Маҳалла» 19 июль.**
**Ҳамид Норкулов**
**«Ватанни ким қандай соғинади!»:**

«...Соҳиба она тўй тараддудида. 15 ёшга тўлган неварасига Истиқлол тўйини қилиб бермоқчи. Бешик тўйи, суннат тўйи ёнига энди Истиқлол тўйи қўшилди.

...Ҳазрат бува невараларига «мен 15 ёшга кирдим», дебди. Ҳамма ишонибди, мен ҳам ишондим.»

**«Ҳуқуқ» 19 июль.**
**Ҳаким Икромов, Ҳафиза Эгамбердиева**
**«Зулматни ким парчалайди?»:**

«Агар мен ёнмасам, агар сен ёнмасанг, агар биз ёнмасак, зулматни ким парчалайди?»

Сожида Авазова адибнинг бу сатрларини ўқиганми-йўқми, билмадик. Аммо у ёниб яшарди. Бир фуқаро сифатида атрофдаги кўзбўямачиликларга, ноқонуний хатти-ҳаракатларга чидаб туролмасди. Унинг бу «ёниши» эса кимларгадир ёқмасди.»

